



ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВ

ЎЗБЕКЧАДАН ТУРКЧАГА
НАСРИЙ ТАРЖИМА
МУАММОЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВ

**ЎЗБЕКЧАДАН ТУРКЧАГА
НАСРИЙ ТАРЖИМА
МУАММОЛАРИ**

(МОНОГРАФИЯ)

Тошкент – 2014

Ҳамидов Хайрулла. Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари. – Т., 2014. – 140 б.

Ушбу монографик тадқиқот ТошДШИда бажарилаётган ИТД-1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишининг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган. Тадқиқотнинг асосий натижалари ва хуносаларидан “Таржима назарияси ва амалиёти” йўналиши талабалари ва “Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича)” мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган магистрантлар фойдаланиши мумкин. Бадиий таржима қонуниятлари ва принциплари барча тиллар учун умумий ва муштарак эканлиги ҳисобга олинса, мазкур монография нафақат ўзбек тилидан турк тилига, балки бошқа тиллар орасида бадиий таржима билан шугулланувчи мутахассислар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

УДК: 894

ББК: 83,3

Х-24

Масъул мухаррир:

А. Алимбеков,

филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Э. Очилов, филология фанлари номзоди

Ж. Шабанов, филология фанлари номзоди, доцент

Илмий маслаҳатчи:

Ж. Зиямуҳамедов, филология фанлари номзоди, доцент

Монография Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгашининг 2014 йил 3 июлдаги 11-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

“Таржима – илгари бир тил воситалари билан ифода этилган нарсани бошқа тил воситаларини қўйлаган ҳолда тўла ва ишиончли қайта ифодалашидир”

А. В. Федоров

Мустакилликнинг илк йиллариданоқ жамият ҳаётининг турли соҳаларида бўлгани каби адабиёт, тилишунослик, бадий таржима ва таржимашунослик соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Бугунги кунда маънавиятни юксалтириш, ёшларда миллий қадрияларга чукур хурмат ҳиссини уйғотиш, ўзбек миллий меросини жаҳонга танитиш, ҳалқимиз ҳаёти ва бадий тафаккурини адабиёт, хусусан, бадий таржима воситасида кенг ёйиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг “Адабиётта эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” асарида айтилган “...бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам ҳалқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадрияларимизга хурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бу масалалар ҳалқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим. Мен бу борада Ғарб билан бирга, Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим”¹ деган сўзлари шарқшунос таржимонлар ва соҳа мутахассислари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклади.

Республикамиз Президентининг қуйидаги сўзлари эса ёш шарқшунос таржимонлар учун дастуриламал бўлди: “Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима килиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўкув юртларида таълим олаётган истеъоддли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айни пайтда олижаноб ишга жалб этиш, бу

¹ Каримов И. А. Адабиётта эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –Б. 33.

масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди”².

Шарқ тилларидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан шарқ тиллари-га бадиий таржима хусусида шуни айтиш жоизки, сўнгги йигирма йил ичида шарқ адабиётининг ўнлаб нодир намуналари ўзбек тилига ўтирилди. Агар ўтган асрнинг 80-йилларигача асарларнинг асосий қисми ўзбек тилига рус тили орқали ўгириб келинган, таржимашунос олим М. Холбеков таъкидлаганидек, “...минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек таржимачилиги мисли қўрилмаган натижаларга эришган, ҳалқимизни жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари билан таништирган, Чўлпоннинг Шекспир (“Ҳамлет”)дан, Усмон Носирнинг Лермонтов (“Демон”)дан, Ойбекнинг Пушкин (“Евгений Онегин”)дан, Эркин Воҳидовнинг Гёте (“Фауст”)дан, Абдулла Ориповнинг Данте (“Дўзах”)дан, Қодир Мирмуҳамедовнинг Ҳомер (“Илиада”)дан, ИброҳимFaфуровнинг Жойс ”Улисс“дан қилган таржималари адабиётимиз тарихида муҳим воқеалар сифатида бу асарларнинг тилимиздаги барқарор таржималарига айланган”³, ўзбек ҳалқи шарқ адабиёти намуналари билан билвосита таржималар воситасида танишган бўлса, 90-йиллардан бошлаб шарқ тилларидан бевосита таржима қилиш кўпроқ рағбат кўра бошлади⁴.

Мустақиллик шарофати билан дунё адабиёти намуналарининг маданий ҳаётимизга кириб келиши натижасида бадиий таржима соҳаси ривожланиши босқичига ўтди. “Жаҳон цивилизацияси тараққий этиб, ҳалқлар орасидаги масофалар қисқарган сари таржиманинг роли ошиб боради. Агар XX аср “таржима асли” бўлган бўлса, XXI асрни “бадиий таржима асли” (П.М. Топер) деб аташга тўла ҳақлимиз” - деб ёзади М. Холбеков. Ўзбек адабиёти намуналарининг шарқ тилларига таржима қилиш ишининг янги паллага кириши ҳам худди шу даврга тўғри келади.

² Каримов И. А., Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 139.

³ Холбеков М., Таржимашунослик ва таржима танқиди, илмий мақола, “Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келаҳаги” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2013. – Б.13.

⁴ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, ҳафталик газета, “Таржима назарияси ва танқиди муаммолари”, “Танқид ва адабиётшунослик” рукнидаги давра сухбати (М. Холбеков, И. Faфуров, А. Абдуазизов, Г. Одилова, Г. Рихсиева, Х. Ҳамидов), 2014 йил 7 март. – Б. 3.

Бу, таржимашунос Э. Очилов таъбири билан айтганда, Мустакиллик даври таржимачилигининг энг катта ютуғидир.

Сүнгти йилларда хорижда, жумладан, Туркияда ўзбек адабиётига қизиқишиң янада кучайди. Ўттан қисқа давр ичидә ўзбек адабиёти намояндадарининг асарлари турк тилига таржима қилиниб, китобхоналарга армугон этилди. Жумладан, таникли ўзбек адеби А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Навоий” романлари, А. Қаҳхор ҳикоялари, П. Қодировнинг “Юлдузли тұнлар”, О. Екубовнинг “Улутбек хазинаси”, “Күхна дунё” романлари, “Адолат манзили” қиссаси ва ҳикоялари, Х. Тұхтабоеевнинг “Сарық девни миниб”, Ў. Ҳошимовнинг “Дүнёнинг ишлари” қиссалари, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабиётидан айрим намуналар турк тилига ўтирилиб, Туркиядаги ўзбек адабиёти ихлосмандларига тортиқ қилинди.

Сүнгти йилларда ITD-1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида ТошДШИ “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мутахассислари ва талабалари томонидан ўзбек адабиётига оид энг сара асарларнинг турк тилига таржима қилиниб нашр этилиши (*Özbek Edebiyatı'nın Seçme Eserleri, Çeviri Kitabı*, Taşkent, 2013; *Özbek Edebiyatı'nın Seçme Eserleri*, 2. Bölüm. Said Ahmed, Hikâyeler. Taşkent, “Mumtoz So‘z”, 2013; *Özbek Edebiyatı'nın Seçme Eserleri*, 3. Bölüm. Muhammad Yusuf, Şiirler. Destanlar, Taşkent, 2014) бадий таржимага бўлган эҳтиёж ва эътиборнинг ёрқин далилидир.

Мазкур тадқиқот ишида, юқорида санаб ўтилган таржима тўпламларидан жой олган туркча таржималарда ёш ижодкорлар эришган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар хусусида ҳам сўз боради.

Эришилган ютуқлар ўзбек тилидан шарқ тилларига қилинган бадий таржималарнинг салмоғи билан қиёсланадиган бўлса, уларнинг сони шарқ тилларидан ўзбек тилига қилинаётган таржималарга қараганда анча кам. Бунинг сабаби, назаримизда, ўзбекча асарни чет тилига ўтирувчи маҳаллий мутахассисларнинг етишмаслигидир. Бундай вазият биргина ўзбек ва турк тиллари орасида қилинган таржималар мисолида олиб қараладиган бўлса, буни турк тилига ўтирилаётган асарларнинг турк таржимонлари томонидан амалга оширилаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Нашр этилган таржималардаги камчилик ва нуқсонларга келинса, айрим таржимонлар бадий таржимага жиддий ижод деб

эмас, зарурият деб қараётганга ўхшайди. Масалан, сўнгги йилларда туркча бадиий асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари янада жадаллашган. Бунда ўзбек таржимонларининг хиссаси катта. Бироқ, ўзбек адабиёти намуналарининг туркча таржимаси хусусида бундай дейиш қийин. Чунки айрим таржимонлар китобхонларни ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан таниширишни ўз олдларига асосий мақсад қилиб, таржималарнинг сифати, миллийликни таржимада сакланиши масаласини кейинги ўринга кўйганлар. Бунинг асосий сабаби турк таржимонларининг аслият ти-лидаги сўзларнинг маъно нозикликлари, халқнинг маданияти, миллий ўзига хосликлари, урф-одатларини чукур билмасликларидир. Бу тўғрида тадқиқотчилар ўз фикрларини баён этишган ва илмий муноザаралар ҳануз давом этмоқда.

Ўзбек тилидан турк тилига бадиий таржима муаммоларининг қисман ечими бўлади деган умидда ёзилган ушбу мўъжаз тадқиқотда илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар, назарий хуласалар ўзбек адабиёти намуналарининг турк тилига таржимаси таҳлилларига асосланади.

Бадиий таржимада сўз танлаш, бадиий санъатларнинг берилиши, “сохта эквивалентлар” ва таржимашунослик билан боғлиқ қатор муаммоларни тадқиқ этиш сирасида таникли ўзбек адабиари А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”⁵ (“Ötgen Künler (Geçmiş Günler)”, О. Ёкубовнинг “Адолат манзили”⁷ (“Adalet Menzili”⁸), Ў. Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”⁹ (“Dünyanın İşleri”¹⁰) ва бошқа асарлар, уларнинг турк тилига қилинган таржималари манба сифатида олинди. Бундан ташқари, тадқиқотда буюк рус адаби Л. Н. Толстойнинг “Тирилиш” (“Воскресение”¹¹) романи ва унинг

⁵ Qodiriy A., O'tkan kunlar, roman, “Sharq” Nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyyati. –T., 2012. – 384 b.

⁶ Kadiri A., Ötgen Künler (Geçmiş Günler), Roman, Türkiye Türkçesi D. Ahsen Batur, Selenge Yayınları. –İstanbul, 2005. – 403 s.

⁷ Ёкубов Одил, Адолат манзили, роман. –T., 1996. – 168 б.

⁸ Yakuboğlu Adil, Adalet Menzili, Türkçesi D. Ahsen Batur, Selenge Yayınları. –İstanbul, 2005. – 213 s.

⁹ Hoshimov O., “Dunyoning ishlari” – T., 2005. – 208 b.

¹⁰ Haşimov Ötkir, Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayınevi. –İstanbul, Mart, 2014.

¹¹ Толстой Л. Н., Воскресение. – Нальчик, 1976. – 456 с.

турк (“Diriliş”¹²) ва ўзбек тилларига қилингандар таржималаридан ҳам парчалар олиниб, таҳлил қилинди. Айрим ўринларда қиёслаш максадида баъзи турк адиларининг асарлари ва уларнинг ўзбекчага қилингандар таржималари ҳам кўриб чиқилди.

Бадий асарларда қўлланилган иборалар, уларнинг синоним ҳамда варианtlари ўзбек ва турк тилларининг фразеологик луғатларига асосланган ҳолда таҳлил қилинди¹³.

Мазкур монография уч бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда ўзбек тилидан турк тилига наср таржимасида сўз танлаш муаммоли, сўзнинг асар контексти ва таржимада бадий талқин воситаси эканлиги, туркчага бадий таржимада “сохта эквивалентлар”, хос сўз (реалия)ларнинг берилиши масалалари ёритилади. Иккинчи бобда таржимада бадий санъатларнинг берилиши, тасвирий-ифодавий воситалар, табиат тасвири, қаҳрамон портретининг берилиши сингари бадий таржиманинг мураккаб муаммолари ўзбек адабиёти намуналарининг турк тилига қилингандар таржималари мисолида ўрганилди. Ишнинг учинчи боби эса туркчага бадий таржимада фразеологик бирликлар, ибора синонимларини танлаш, айрим ибораларнинг юзага келиш йўллари ва таржима муаммолари ҳамда мақол ва маталларни ўгириш билан боғлиқ масалалар тадқиқига багишланган. Ҳар бир бобда таржима ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, кузатишлар натижасида чиқарилган хуносаларга ҳам кенг ўрин берилди.

¹² Tolstoy L. N., Diriliş, Roman, Türkçe'ye çeviren: Samih Tiryakioğlu. –İstanbul, 4. Basım, 1994. – 431 s.

¹³ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати, Қомуслар бош таҳририяти, –Тошкент, 1992; Adıgüzel H. Deyim Hazinemiz. Açıklamalı - Örnekli Türkçe Deyimler Sözlüğü. – İstanbul, 1990.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. Ўзбек тилидан турк тилига наср таржимасида сўз танлаш муаммоси	
1.1. Сўз ва контекст. Сўзниң асар контексти ва таржимада бадиий талқин воситаси эканлиги	8
1.2. Туркчага бадиий таржимада “сохта эквивалентлар”нинг берилиши масаласи	18
1.3. Таржимада хос сўзларнинг берилиши.....	30
II БОБ. Таржимада бадиий санъатларнинг берилиши	
2.1. Таржимада тасвирий воситаларнинг берилиши	42
2.2. Бадиий таржимада қахрамон портретининг берилиши	58
III БОБ. Туркчага бадиий таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши	
3.1. Туркчага бадиий таржимада ибораларнинг берилиши.....	72
3.2. Таржимада сўз ва ибора синонимларини танлаш масаласи	82
3.3. Айрим туркча ибораларнинг келиб чиқиши ва уларнинг таржимада берилиши	95
3.4. Турк тилига бадиий таржимада мақолларнинг берилиши.....	107
3.5. Уй ҳайвонлари номига асосланган мақол ва ибораларнинг таржимада берилиши.....	118
ХУЛОСА	126
ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР	129
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	131